Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 80 (7. 169) ◎ 1990 йил 9 апрель, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

◎ СССР Президенти М. С. Горбачевнинг «Правда» мухбирига жавобларн эълон қилинган.

◎ «Правда» рўзномасининг биринчи саҳифасидаги «Ёшлар овози» сарлавҳаси остида ёшларнинг редакцияга йўллаган мактубларидан бир туркуми берилган

◎ «Маълум факт ҳақида номаълум тафсилотлар» — газетанинг учинчи саҳифасидаги В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган мақола ана шундай номланган.

◎ Шу саҳифадаги «Архимед лишанги» сарлавҳали мақолада танқидчи совет санъатининг ривожланиш йўллари ҳақида мулоҳаза юритади.

◎ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари берилган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Чиройли ва бежирим

◎ **ТОШКЕНТ электр рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси**

БУГУН савдо тармоқларига янгилик маркаси билан 6 хил электр рўзғор буюмлари юборди. Булар орасида осма ва девор қандиллари бўлиб улар олдингиларидан чиройли ва бежирим ишланган билан фарқ қилади. Шуниси қувончлики бу маҳсулотлар чиқит ҳисобланган хом ашёлардан тайёрланмоқда.

Д. МУРОДОВ.

Улушбай асосида

◎ **УЙ ҚУРИШ ОСОНМИ? Бу саволга Тошкент бош қурилиш бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати ва мазкур комбинат қошидаги темирбетон заводи ишчилари жавоб беришди.** Ишлаб топилган даромадларни бирлаштириб, улар улушбай асосида Ҳамза районида 9 қаватли 126 хонадонли уй бунёд этмоқдалар. Айни кунларда сўнгги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерга комбинатнинг 126 ишчиси кўчиб киради. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтилганлиги бу жамоа учун ижтимоий масалаларни ҳал этишда катта имкониятлар яратиб берди. Мазкур комбинатда уй-жой дастурини ўн учинчи беш йилликнинг иккинчи йилида бажариш мўлжалланмоқда.

Д. АЪЛОЕВ.

Инсон омилига эътибор

◎ **ТОШКЕНТ кўн-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмасида инсон омилига алоҳида эътибор берилиб, қатор қулайликлар яратилмоқда.** Яқинда корхонада 4 қаватли маиший хизмат биноси қурилиши бошланган эди. У ишга тушгач ишчи ва хизматчиларга 25 хил хизмат турлари амалга оширилади. Бунёдкорлик ишларига 300 минг сўм маблағ ажратилди.

БУГУН Тошкент сув хўжалиги қурилиши тресги бу ердаги қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Мутасадди ташкилотлар эса бинони жиҳозлашга киришди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Италияликлар билан ҳамкорлик

◎ **БУГУН темирйўлчилар маданият саройида Ўрта Осиё темир йўли нозирлигининг врачлик-санитария бошқармаси Италиянинг «Экспорт-дентал» фирмаси билан Совет—Италия симпозиумини ўтказдилар.**

— Мен Италиянинг Флоренция шаҳрида ўтган энплантологларнинг XIII конгрессида қатнашдим. Шуни очиқ-ойдин айтишим керакки, ҳозирда жумҳуриятимиз стоматологияси қолоқ аҳволда, — дейди Қўқон шаҳар стоматология поликлиникасининг бош врачи Бахтиёр Мансуров. — Шунинг учун ҳам чет эл стоматолог профессорларининг тажрибасини билиш, ўрганиш биз учун жуда муҳимдир. Бу симпозиумни ташкил этишда жумҳуриятимиздаги бирорта медицина ташкилотлари маблағ ўтказишга қурблари етмади. Фақат Ўрта Осиё темир йўли нозирлиги бунинг учун маблағ ажратди.

О. ЮСУПОВ.

Жаҳон мамлакатларидан

◎ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси шаҳримиз меҳнаткашларининг севимли жойларидан бирига айланмоқда.** Бу ерда жумҳуриятда тараққий этган халқ хўжалигининг 120 дан ортиқ соҳаси бўйича эришилган ютуқлар намойиш қилинади. 20 мингдан зиёд экспонатлар 140 дан ортиқ бўлимга жойлаштирилган. Кўргазма ташкил топган кундан бошлаб бугунгача уни зиёрат қилган кишиларнинг умумий сони 14 миллион кишидан ошди. Жаҳондаги 80 дан зиёд мамлакатдан келган вакиллар, саёҳатчи гуруҳлар ана шу кўргазманинг меҳмони бўлишмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

Мижозлар кўпаймоқда

◎ **«УЧҚУН» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси йил бошидан бери 8 миллион 243 минг сўмлик маҳсулот сотди.**

Бирлашма бўлимлари ўртасидаги мусобақада тўқув бўлими пешқадамлик қилаяпти. Ҳозир бу ерда ҳар куни 220—225 минг метр юқори сифатли лента тайёрланмоқда. Бу кунликда белгиланганидан анча ортиқдир. Бўлимда йил бошидан бери бир нечта янги хил лента тайёрлаш ўзлаштирилди.

Айни кунларда корхонада 70 хилга яқин кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

БУГУН савдо шохобчаларига 6 хил янги сочиқ, 5 хил янги рўмол, 1 миллион погон метр резина ва пардоз лента-лар юборилди.

Д. АЗИМОВ.

Сифатли либослар

◎ **«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор берилмоқда.** Ҳозир тайёрланаётган 70 хилдан ортиқ буюмларнинг 60 хили замонавий, аҳоли талабига мос кўринишлар билан янгиланди.

БУГУН корхона чеварлари янги тикилган харидоргир буюмлардан 4 миллион донасини савдо шохобчаларига етказиб беришди

Д. ОСТОНОВ.

Депутатлар истагига кўра

◎ **БУГУН Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчасида янги дорихона фаолият кўрсата бошлади.** Бу ерда шифокор тавсияномаси асосида, бемор истаги асосида тайёрланадиган ва эркин савдо йўли билан сотиладиган дорилар бўлимлари мавжуд. Дорихона депутатлар накази асосида қурилди.

Д. АЗИМОВ.

«Ҳақиқат» ёрдам беради

◎ **ТОШКЕНТ вилояти комсомол комитетининг ёшлар меҳнати бирлашмаси қошида «Ҳақиқат» ҳуқуқий ёшлар марказн ташкил этилди.** Бу марказ ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилади, шунингдек талаба ва ҳуқуқшуносларни ишга жойлаштиришда дуч келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради.

О. ЮНУСОВ.

Манзил яқин

◎ **БУГУН метроннг М. Горький станциясидан Қўйлиқ бозори маршрути бўйича қатнаётган 171-автобус 110-«э» рақам билан қатнашни бошлади.** Олдин йўл масофасига қараб, йўл ҳақи тўланган бўлса, энди 10 тийин тўланади.

М. ОРИПОВ.

Янги дармондори

◎ **ТОШКЕНТ химия-фармацевтика заводи жамоаси инсон саломатлиги йўлида маҳсулот турларини ошириш учун изланиш олиб бормоқда.**

БУГУН корхона меҳнаткашлари қанд касаллиги билан азият чекадиган беморлар учун сластилин дорисини тайёрлашга киришишди. Илгари қанд ўрнини босадиган бу дармондори бошқа жумҳуриятдан келтириларди.

Д. ОРТИҚОВ.

«Аёл—олам чироғи»

◎ **АБДУЛЛА Қаҳҳор номли маданият уйининг «Ҳуррият» фольклор ансамбли қатнашчилари кеча «Чевар» тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳузурида бўлишди.**

БУГУН улар Акмал Икромов районининг Атоий маҳалласида «Аёл—олам чироғи» мавзусида бўладиган бадиий-лаштирилган кечада иштирок этишади.

Д. АСИЛОВ.





◎ ТРАКТОРСОЗЛАРНИНГ ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий ишлаб чиқариш майдонларидан бирида; устоз ва шогирд Б. Нишонов ва К. Маҳкамов.

Р. Шарипов суратлари.

Сессиядан кейинги ўйлар

Амалий ишлар кутмоқда

Маълумки, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди. Энг муҳими, сессияда жумҳуриятимиз келажаги ва унда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳукуматнинг биринчи даражали вазифаси қилиб қўйилди. Депутатларнинг чиқишларида эса барча халқларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликка садоқат ўз ифодасини топди. Мухбиримизнинг сессия қатнашчиларидан бир гуруҳи билан суҳбати ҳам шу куннинг долзарб масалалари хусусида бўлди.

— Ўзбекистон ССР Олий Советининг бу сессиясини олдингиларига таққослаш қийин, — дейди бизга унинг қатнашчиларидан бири — Тошкентдаги чарм ва мўйна буюмлари заводининг бичиқчиси Сожида Зияева. — Демократияни қарор топтириш йўлида олға қараб дадил қадам қўйилганлиги кўриниб турибди. Сессияда Олий Совет доимий комиссияларнинг раислари ва жумҳурият Министрлар Советининг Раисини сайлаш жараёнида халқимиз учун оғир дард бўлиб келаётган талай муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари айтилди. Бунинг учун энг аввало ҳар бир жойда ва ҳар соҳада юксак уюшқоқлик ва қаттиқ интизомга риоя қилиш нераклиги таъкидланди. Менимча ҳам ишни худди мана шундан бошламоқ керак. Ҳеч кимга сир эмаски, қаерда уюшқоқлик, аҳиллик ва интизом бўлса ўша ерда иш унуми ҳам, моддий манфаатдорлик ҳам яхши бўлади.

Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун мен меҳнат қилаётган корхона фаолитига бир назар ташлаш кифоя. Бундан бир неча йил олдин заводимиз шаҳардаги қолоқ корхоналардан бири ҳисобланарди. Жамоа орасида сабабсиз ишга келмовчилар ва ишдан эрта кетиб қолувчилар тез-тез учраб турарди. Маъмурият ва касаба уюшмаси бу масалага алоҳида эътиборни қаратди. Интизомсизлар, бўшашувчанлик кайфиятига берилганлар билан суҳбатлар ўтказилди. Уларда бу нуқсонларнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлаётганлиги билан қизиқилди. Маслаҳатлар берилди. Ишга бўлган бу муносабат тезда ўз самарасини кўрсатди. Умумдорлик, манфаатдорлик ошди.

Яна мени қувонтирган нарса жумҳуриятда газлаштириш ишларини жадал суръатларда олиб бориш, мактабгача тарбия муассасалари қурилишига эътиборни кучайтириш, кўп болали оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга бериладиган нафақа пулларини ошириш ҳақидаги таклифларнинг ўртага ташланишидир.

Менинг депутатлик дастуримнинг энг муҳим бандлари ҳам мана шу масалаларга қаратилган. Ахир «қуш тилини қуш билади» деганларидек, зеро мендек оддий меҳнаткаш аёлга катта ишонч билдирилган экан, энг аввало хотин-қизлар меҳнатини енгиллатиш, уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиб бериш ва келажак авлод — кичкинтойларимиз ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзимнинг энг асосий бурчим деб биламан.

Сессия биз депутатлар учун лозим бўлган ҳаракат дастурини белгилаб берди. Энди ҳамма гап фаол ишлаб уни бажаришда қолди.

— Сессия мунозарали, тортишувлар билан ошкоралик руҳида ўтганлиги менга маъқул бўлди, — дея ўз сўзини бошлади 1-уйсозлик комбинати пардозлаш ишлари бошқармаси бригадири Воҳид Исломбоев. — Айниқса бу вазнятни уй-жой қурилиши масаласида яққол кўриш мумкин. Қолаверса Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг докладида ҳам, унинг мунозарасида қатнашган депутатлар нутқларида ҳам бу муаммога алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, бундан бир неча йил аввал жумҳуриятда уй-жой дастури қабул қилинган эди. Афсуски дастурнинг бажарилиши бугунги кунда ҳеч кимни қониқтирмайди. Агар бундан бир неча ой илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер участкалари ажратилмаганида бу дастур тамомила йўққа чиққан бўларди.

Уй-жой қурилиши масаласида олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Давлат йўли билан ва якка тартибдаги қурилишни авж олдириш ҳисобига келгуси беш йиллик охиригача умумий майдони 74 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой қуришимиз керак. Чунки Ўзбекистон пойтахтининг ўзидагина уй-жой олиш учун 70 минг оила навбатда турибди. XII беш йиллик бошидан бери Тошкентда қарийб 500 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилмади. Аҳволни тузатиш учун 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 1—1,5 миллион квадрат метр уй-жойни бир маромда фойдаланишга топширилишини таъминлаш зарур. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Ҳукумат бу муаммони ҳал этиш йўлларини белгиламоқда. Шуни назарда тутиб республика Министрлар Совети яқинда қарор қабул қилди. Унда 1995 йилга бориб цемент ишлаб чиқаришни 2, шиферни — 1,5, линолеумни — 3 баравар, гиштни — 80 фоиз, пардозлаш материалларини 3 баравар кўпайтириш кўзда тутилган.

Бу тадбирларни амалга ошириш биринчи галда биз қурувчиларнинг меҳнатимизга, виждонан ҳалол ишлашимизга боғлиқ. Шунинг учун сессиядан қайтганимдан сўнг бригадамиз аъзолари билан қатъий келишиб олдик. Аҳдимиз—масъулиятни ҳис этган ҳолда юксак унум ва сифатли иш бажаришдир. Қолаверса, депутат сифатида ҳам ҳамшаҳарларимни чиройли ва бежирим уй-жой билан таъминлашни асосий бурчим деб тушунаман.

— Ҳар бир даврнинг ўзига яраша муҳим муаммолари ва долзарб вазифалари бўлади, — дейди биз билан суҳбатда «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-автокорхонаси ҳайдовчиси Виктор Крушельницкий. — Шунинг учун ҳам мен диққатимни халқлар дўстлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлигига қаратмоқчиман. Зеро, сессияда ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас. Аввало, биз бир нарсани яхши билиб олишимиз керак. Агар тинчлик-тотувлик бўлмаса мақсад ва режаларимизнинг амалга ошиши қийин. Одамлар «Ҳаммамиз яхши яшашни хоҳлаймиз, бунинг учун эса энг аввало осойишта, самарали меҳнат қилишга ундайдиган хотиржамлик бўлиши керак» дейишмоқда. Хўш, шундай экан, кўпчиликни тўлқинлантираётган нурли умидларга соя ташламоқчи бўлаётганлар кимлар ахир? Ҳеч шубҳасиз, улар бугунги ўзгаришлар кўнглига ёқмаётган, шахсий манфаатларини ўйлаб иш тутаётган одамлар.

Мен бир депутат сифатида шуни айтмоқчиманки, бемаъни эҳтиросларни жиловлаш, турли бақс ва мунозараларга барҳам бериш, митингбозлигу, намойишларга ўрин бермаслигимиз керак. Ахир ҳар қандай муаммони хотиржамлик билан бамаслаҳат, адолат юзасидан ҳал этса бўладику.

Ўзимизнинг корхонамизга келсак бу ерда турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад, бир маслак йўлида ишлашади. Ниятлари йиллар давомида синовдан ўтган халқлар дўстлигига заррача ҳам доғ туширмаслик. Депутатлик ва инсоний бурчим нуқтаи назардан мен уларни қўллаб-қувватлайман. Юртимизда ҳамиша тинчлик, осойишталик, ҳақиқўйлик ва адолат барқарор бўлиши учун курашаман.

Суҳбатни **М. КОМИЛЖОНОВ** олиб борди.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Акмал Икромов район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Т. Х. Ҳайдаров Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат, халқ истеъмол моллари, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаси доимий комиссиясининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Илгари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Қ. М. Рафиқов Акмал Икромов район партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Асеиков иштирок этди.

Қисқа сатрларда

◎ **«Узавтотранстехника» клмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ишлаб чиққан қурилма ёнилғи сарфини қисқартиришга ёрдам беради.** Карбюраторга уланган маъжазгина асбоб тўхтатиш вақтида бензин бермай қўяди. Янгилик Тошкент таксомотор парклардан бирида синовдан ўтказилганда бу қурилма 9 фоизгача ёнилғини тежашини кўрсатди. Бу йил республика таксомотор парклари автомобилларига ана шу асбоб ўрнатилади. «Узавтотранстехника» коллективи қурилмани ўрнатиш ва созлаш ишларини бажаради.

◎ **Тошкентдаги 243-авиаремонт заводининг эски омборхоналари бутунлай ўзгариб кетди.** Меҳнат коллектиан кенгашининг қарорига биноан бу биналар корхона маданият марказн учун берилди. «Авиа» кооперативи бинони тубдан реконструкция қилмоқда. Бу ерда 300 ўринли томоша зали, кафе, секциялар ва тўгаракчилар, машғулот ўтказадиган хоналар бўлади. Корхона ёшлари бу объектда шанбаликлар ўтказиб, кооператорларга катта ёрдам берялти.

[ЎзТАГ].

Касалхоналарга совға

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов ва республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсандов шахсий харажатлар учун берилаётган валютага Индонезиядан 10 минг дона жарроҳлар қўлқопини сотиб олиб, уларни шаҳарнинг ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларига совға сифатида топширдилар.

Молиявий маблағларнинг етишмаслиги натижасида бизнинг соғлиқни сақлаш системамиз ночор аҳволга тушиб қолган ҳозирги пайтда бу совға айтарлик катта қийматга эга бўлмаса ҳам, республикамиз раҳбарларининг бу ғамхўрлиги ғоятда қимматлидир. Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири К. Т. Расулова, 6 ва 4-туғруқхоналарнинг бош врачлари Е. Н. Осипова, Г. Н. Степанянц, 1-шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи М. Ҳ. Қодиров ва бошқалар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бўлиб ўтган коллегиясида қўлқоплар солинган қутиларни қабул қилиб олишар экан, ана шуни таъкидладилар.

Коллегияда ҳозир бўлганлар шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Т. М. Миртожиевнинг Афғонистондаги воқеаларда иштирок этганлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва медаль билан мукофотланганлиги ҳақидаги хабарни ҳам қизғин кутиб олдилар. Шундан сўнг аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳволи таҳлил қилинган одатдаги кундалик ишларига ўтилди. Республика бош патолог-анатоми М. С. Абдуллахўжаева патолого-анатомия хизматини янада ривожлантиришга доир масала бўйича сўзга чиқди. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош врачи Т. М. Миртожиев ўз нутқида шаҳарнинг ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш хизматининг, бошқа даволаш-профилактика муассасаларининг санитария-ҳолатига доир муаммолар хусусида тўхталди.

Коллегияда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Топширилган иш жабҳаси учун, ўз касб бурчи ва касб тайёргарлигини оғишмай бажарии учун масъулият ҳиссини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Футбол

Мавсум ўйинлари бошланди

Мана ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган биринчи лига командалари ўртасида ҳам мавсум ўйинлари бошланди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси шанба куни Ленинградда биринчи учрашувини «Зенит» футболчилари билан ўтказиб 1:1 ҳисобида ўйнади ва очколари тенг бўлишиб олди. Қолган учрашувлар қуйидагн натижалар билан тугади: «Таврия» (Симферополь) — «Шинник» (Ярославль) — 0:0, «Кубань» (Краснодар) — «Локомотив» (Москва) — 0:3, «Нефтчи» (Боку) — «Қайрат» (Олмаота) — 0:0, «Металлург (Запорожье) — «Динамо» (Ставрополь) — 2:0.

Об-ҳаво ва саломатлик

9 апрелдан 15 апрелгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошланиши ва охирида республикамиз ҳудудида айтарлик ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5—10 метр тезлик билан шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5—10, кундузи 15—20 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўрталарида Ўзбекистоннинг аксарият областларида ёмғир ёғади. Тунги ҳарорат 3—5 даражага кўтарилади, кундузги ҳарорат (ёмғир ёғган пайтларда) бирмунча пасаяди.

Ҳафтанинг ўртача ҳароратининг кўп йиллик нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг ўрталарида ҳароратнинг пасайиши, осмонни булут қоплаб, ёмғир ёғиши салбий таъсир этиши эҳтимоли бор. Бундай иқлим шароитлари юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон томирлари ва ялиғланиш хасталиклари бўлган беморларга нохуш таъсир этиши мумкин. Улар асабийлашишлари, уйқусизликдан, бош оғришдан, шунингдек хаста ички органлардаги — жигар, буйрак, ичаклардаги оғриқдан қийналишлари, нафас олиш қийинлашиши мумкин.

Шу тонфадаги беморларга профилактика мақсадида об-ҳаво таъсирининг олдини олишга қаратилган метеопрофилактика муолажаларини давом эттириш тавсия қилинади. Шунингдек, таом калорияларини ҳисобга олиб овқатланиш тартибига риоя қилиш, витаминларга бой маҳсулотларни, ош тузи кам, витаминлар қўшилган маҳсулотларни истеъмол қилишлари лозим.

Шу билан бирга, ижтимоий зўриқишларни, жисмоний муолажаларни чеклаш керак.



⊙ УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР. 10-автомобилларни созлаш заводининг Али «Курдеде бошчилик қилаётган ишчилар гуруҳи.

Т. Каримов сурати.

Иш билан бандлик

ИҚТИСОДИЁТНИ КЎТАРАЙЛИК

— Ўҳ-ҳў, меҳнат дафтарчангиз тўлай деб қолипти-ку. Яна ишни ўзгартириш ниятингиз йўқми? В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Ғанижон Исмоилов партия комитети бюросида «йўқ», деб жавоб бергач, ўзида қандайдир енгиллик ҳис қилди. Тўғриси, иш жойини тез-тез ўзгартиришлар жонига тегди. Ахир, ҳамма ҳам ҳаёт йўлини бирданига тўғри танлаб олавермайди-да, деб ўйлади у. Ғанижон ҳунар-техника билим юртини тамомлагач В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ёрдамчи ишчиликка қабул қилинган эди. Сўнг Совет Армияси сафида хизмат қилди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, узоқ йўллар саргузашти чорлаб Магаданда авиаторядда механиклик қилди, кейин Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида ишлади.

Ғанижон кутилмаганда қуювчиликдан завод яқинидаги ботаника боғига лаборантликка ишга ўтди. У Сурхондарёнинг чўл ерларида ихота дарахтзорлари барпо этганлар сафида бўлди. Бу «дайди»лик унинг ҳаётида ўзгариш ясади. Уйланиб, бир касбнинг бошини тутиш, қўним топиш зарур, деган фикрга келди. Шу тариқа 1984 йилда у яна авиасозлар сафига келиб қўшилди.

Беш йил ишчининг шакланиши учун унчалик катта муддат эмас. Аммо ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг: ҳозир Ғ. Исмоилов бирлашма меҳнат жамоаси кенгашининг аъзоси, унинг фикри билан бирғина цех бошлиқлари эмас, етакчи мутахассислар, директор ҳам ҳисоблашади.

Меҳнат жамоаси кенгаши ҳамма соҳада ижтимоий адолат мезонларининг бузилмаслигига катта эътибор беради. Санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар, харидоргир камёб молларни тақсимлашда, уй беришда жамоа билан обдон маслаҳатлашади.

Ғанижон Исмоилов ишидан, жамоатчилик фаолиятининг кўпга нафи тегаётганлигидан мамнун. Шундай бўлса-да анчадан бери тўпланиб қолган муаммолар уни ташвишлантиради.

— Бирлашмамизда ўзбеклардан кадр ишчилар нега кам деб ўйланиб қоламан, — дейди у. — Коммунист слесарь Рустам Зокиров, йиғувчилар Тоҳир Ҳакимов, Ғофир Аҳмедов, сиртовчи Мадаминбек Йўлдошев ва бошқалар билан жамоамиз аъзолари фахрланишади, албатта. Аммо қани энди улар сафи кенгайиб борса. Ҳозир эса ҳунар-техника билим юртини тугаллаб келган ўзбек йигит ва қизлари бирлашмада икки-уч йил ишлашади-да, бахтларини бошқа жойлардан излашга тушишади. Тўғри, меҳнат фаолиятини шогирдликдан, паст зинадан бошлаган ёшларни олаётган маошлари қониқтирмайди. Лекин улар дарахт бир жойда кўкаришини эсдан чиқаришади. Бунга менинг ҳаёт йўлимни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин бу ерда яна бир муаммо борлигини эсдан чиқариш керак эмас. Бизда мураббийчилик ҳаракати кўп ҳолларда йиғинчи расмиятчилик учун йўлга қўйилган. Кекса, тажрибали ишчиларимиз ёшлар билан бош қотириб ўтиргандан кўра, ўз ишларимни қилсам, ҳар қалай ойликка барака киради, деб ўйлайдилар. Лекин корхонанинг эртанги куни ҳақида қайғурмайдилар. Фақатгина корхонанинг эмас, ёшларимизнинг келажагини ҳам ўйлаш керак-ку! Ўзим ҳам корхонада янги иш бошлаганимда кўпроқ ҳақ тўланадиган мураккаб мурватлар ясай десам кадр ишчиларнинг энсаси қотарди. Лекин менинг аҳдим қатъий эди. Мана, ҳозир ҳар қандай мураккаб мурватни ҳам бемалол тайёрлаяпман.

Баъзи ёшларимизни кооперативлардаги мўмай пул қизиқтиради. Биргина ёшлар эмас, бошқаларнинг ҳам катта маош олишга интилишлари ажабланарли эмас. Ахир, ким яхши яшашни хоҳламайди? Бироқ кооперативлардаги катта ойликларга маҳлиё бўладиганлар бу ерда, бирлашмамиздагидек ижтимоий имтиёз ва йўқотишларни дастлаб эътиборга олишмайди. Кооператив ўз аъзолари учун биздагидек профилактория, даволаш муассасалари, болалар боғчалари, маданият саройлари, бошқа имтиёзларни бера оладими? Йўқ.

Менимча, ўзбек ишчилари сафини кенгайтириш учун ҳунар-техника билим юртларида ўқувчилар қабул қилишни тубдан ўзгартириш зарур. Яширишнинг ҳожати йўқ, бу ерга асосан мактабда ўзлаштириши ночор, «шўхлик»лари ўқитувчиларнинг жонига теккан ўқувчилар қабул қилинади. Улар амал-тақал қилиб билим юртини тугаллашадию, ишни бошлашга келганда: «Ҳунар танлашда адашибмиз», деб корхонадан бўшаб кетишади. Бу ишчиларни тайёрлашга давлатнинг қанча маблағи кетгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Давлат манфаати нуқтаи назаридан фикр юритиш Ғанижон Исмоиловга хос ҳислат. Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи муҳокама этилаётганда бирлашма жамоаси ўртасида турли фикрлар бўлди. Слесарнинг бу масалага қарашлари аниқ эди:

— Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши яхши бўлди, — деб ҳисоблайди у. — Биз тилимизни эъзозлаш билан бирга республикамиз аҳолиси кўп миллатли эканлигини асло унутмаймиз. Шунинг учун соғлом фикр юритадиганларга рус тили миллатлараро алоқа воситаси бўлиши кераклигини тарғибот қилиб ўтиришнинг кераги йўқ.

Умуман Ғанижон Исмоиловнинг фикрича, ҳозир нуқул кўчага чиқиб, ваъзхонлик қилаверишдан кўра иқтисодиётимизни кўтариш, халқ турмушини фаровонлаштириш учун ҳар ким астойдил тер тўкиб ишлаши керак.

Бирлашмада қўним топган слесарь меҳнатга ана шундай муносабатда бўляпти. Смена топшириқларини доимо 110—120 фоиз адо этаяпти. Бажарган иши ҳамиша юқори сифатли. Бир сўз билан айтганда, у сўзда эмас, амалий иши билан қайта қуриш фидойиси эканлигини исботлаяпти.

А. НОСИРОВА.

Қурилиш моллари билан

⊙ «ҒАЛАБАНИНГ 40 йиллиги» даҳасида умумий майдони 1220 квадрат метр бўлган қурилиш моллари магазини бунёд этилмоқда.

— Савдо зали 430 квадрат метр бўлган магазинни апрель ойи охирларида фойдаланишга топширамиз, — дейди «Ўзхладоторгмонтаж» трестига қарашли махсус ремонт қурилиши бошқармаси бошлиғи Марсел Қосимов. — Март ойида бу ерда 120 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Р. Абдуллаев, С. Акопян ва В. Хребтюгов бошлиқ комплекс ҳамда пардозловчилар бригадаси меҳнат қилаётган ушбу магазин қурилишида олтмиш қурувчи ва пардозловчи меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача 260 минг сўмлик иш бажарилди.

О. ЮСУПОВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

КИМ ЖАВОБГАР?

Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Лекин бу ҳали кўнгилдагидек эмас. Корхона фабрикалари ва цехларини айлансангиз, гувоҳ бўласиз.

Аввало, бу ерларда иқлимнинг талаб даражасида эмаслиги кишини таажжубга солади. Ҳолбуки, корхонадаги барча ишлаб чиқаришларга ҳаво етказиб берилиши керак. Аммо ҳаво жўнатувчи қувурлар фақат ип ва 2-йигирув-тўқув фабрикаларига ётқизилган, қолган фабрикалар эса ўгай бўлиб қолди. Совутиш станцияси ишга тушмасдан олдин фабрикаларда махсус мосламалар керакли ҳавони ишлаб чиқарди. Юқорида номлари тилга олинган фабрикаларда компрессорлар энди керак бўлмай қолди. Бироқ бундан компрессорларни чиқариб ташлаш лозим, деган хулоса чиқармаслик керак. Халқимизда «Керакли тошнинг оғирлиги йўқ» деган нақл бор. Баъзи фабрикаларда шу компрессорлар ҳам танқис.

1-йигирув-тўқув фабрикаси ҳам совутиш станцияси хизматидан бенасиб қолганлардан. Буни қарангки, совутиш станцияси фабрикининг шундоқ ёнгинасида қурилган-у, келиб-келиб айнан у совутиш хизматидан бенасиб қолса! Шу фабриканинг чилангари Наҳим Мавлонов билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди. У фабрикадаги ҳаво келувчи мосламаларга ўрнатилган ўлчов асбобларини текширади, майда ремонт ишларини амалга оширади.

— Бизда 2 та компрессор фабрикага ҳизмат қилади. Улар жуда эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлигидан тез-тез бузилиб туради. Фабрикага эса 8 куб метр ҳаво керак, бироқ компрессорларнинг ҳар бири 3 куб метрдан ҳаво ишлаб чиқаради.

Маълумки, пахта толасини йигиришда ва мато тўқиш жараёнида бино ичида маълум намлик ва ҳарорат сақланиши керак. Демак, махсус мосламалар ишлаб чиқараётган ҳаво етарли эмас. Қайсидир цех ёки участка ҳавосиз қолади. 1989 йилда 2 та янги компрессор сотиб олинди. Бироқ улар бор-йўғи 4 куб метр ҳаво ишлаб чиқаради. Бу компрессорларни ўрнатишга анча овора бўлдик. Биттаси умуман ишламади, иккинчиси эса 6 ойдан кейин бузилиб қолди. Эски компрессорлар билан қолдик.

Наҳим ака билан фабрика оралаймиз. Афсуски, ҳаво тарқатадиган қувурлар чириб кетган. Чилангарларнинг айтишича, бирор мурват керак бўлса, ялпиб-ёлворишга келади. Шу оддий нарсаларни ҳал қилиш шунчалик мушкул экан, демак бошқа ишларнинг амалга ошиши ҳам қийин. Қишда кунлар совуқ бўлгани учун ҳавонинг оғирлиги унча билинмайди. Ёзда эса кунлар иссиқ бўлади. Намлик ва ҳарорат кўп талаб қилинади. Ёзгача ҳали бор. Фабрика бош механиги Л. И. Нуъмонов етишмаётган намлик ва ҳароратни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлигини бир ўйлаб кўрса бўларди. Эндиги иш у кишининг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Б. ОРИПОВ.

Бу ҳақда шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида гапирилган эди

Ҳаммамизнинг бурчимиз

⊙ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва 1991—1995 йилларда шаҳарнинг тарихий районлари реконструкциясини жадаллаштириш бўйича биринчи навбатдаги тадбирлар ҳақида қарор қабул қилганига кўп бўлгани йўқ. Қарорда жорий беш йиллик мобайнида Тошкентда муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва аҳолн фаровонлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган эди. Ҳозирданоқ уни амалга ошириш учун дастлабки ишлар қилинмоқда.

БИЗ ўз корхонамизда мазкур қарорни қизғин муҳокама қилдик. Ишчиларимиз айниқса уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилаётганидан ниҳоятда мамнунлар. Аслида 1-уйсозлик комбинатининг олдига қўйилган вазифалар ҳам турар жойлар бунёд этиш билан боғлиқ. Демак, бу қарордаги тадбирлар бизнинг олдимизга тўғридан-тўғри катта ва масъулиятли вазифаларни қўяпти. Мазкур қарорга кўра Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига шаҳар корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда уларнинг маблағларини пайчилик асосида уй-жой қурилишига жалб этиш, ушбу қурилиш ҳажмини ўн учинчи беш йилликда 1,5 — 1,6 миллион квадрат метрга етказиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни кўриш тавсия этилган. Демак, келгусида олдимизда турган вазифаларни хозирдан ҳал эта бориш зарурлиги равшан.

Биз мазкур масалаларни ҳал этишга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Лекин шаҳримизда нафақат турар жой масаласи, балки ижтимоий соҳанинг ҳамма йўналишларига, мактабларнинг кўпайишига аҳамият бериш ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас. Агар келгуси йилларда қарорда белгиланганидек 38,200 ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилса, бу айни муддао бўлур эди.

Ҳа, амалий тадбирларга бугунданоқ киришиш зарур. Корхонамиз меҳнат аҳли бу муҳим қарорни муҳокама қилганда ҳамшаҳарларимиз турмуш шароитини яхшилаш учун жуда кўп ишлар бажарилиши кераклигини гапирдилар. Бизнинг назаримизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ҳам шу кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки, Ўзбекистон ниҳоятда бой республика. Аммо унинг шаҳарларидаги савдо пештахталари бўшаб ётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бугун аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш лозим. Кўча бўйлаб кезганингизда у-бу ерларда сабзавот дўконларини учратасиз. Лекин улар бўм-бўш. Бундай дўкончаларни кўпайтириш ва энг асосийси, уларнинг тўкин-сочин бўлишига эътибор бериш, бунда шаҳар агросаноат бирлашмаси, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари асосий таъминотчилар бўлишлари керак.

Назаримда, ишлаб чиқаришлар қошидаги кооперативлардан ташқарилариниң тугатиш ўринли бўларди. Чунки бугун ишлаб чиқариш кооперативларигина халқ истеъмоли буюмларининг салмоғини оширишга шароит яратади.

Шаҳримизнинг ҳамма районларида дам олиш хиёбонлари, болалар майдончалари, ҳовузлар, кутубхоналар ташкил этиш ҳам назаримда муҳим масалалардан.

Тошкент аэропортининг шаҳарнинг қоқ марказида жойлашганлиги мутлақо ўйлаб қилинмаган иш. Унинг ён-атрофида истиқомат қилаётган аҳоли шовқин-сурондан ўзини қаерга қўйишини билмайди. Шунинг учун аэропортни ва З. Шамсутдинова кўчасидаги газ тўлдириш станциясини шаҳардан ҳеч бўлмаганда 25 чақирим четга чиқариш лозим.

Йўловчиларнинг манзилини яқин қилиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида барча турдаги транспорт воситалари ишини яхшилаш лозим. Ўзбек халқининг қадимий анъаналарини тиклаб, чойхоналарни кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Уйсозлик комбинатимизнинг аксарият ишчилари қурувчилар шаҳарчасида истиқомат қилишади. Лекин бу майдонни тартибга келтириш ҳам биринчи даражали масалалардан деб ўйлайман. Айниқса, турар жойларда тозаликка эътибор бериш, «4-автодормехбаза» ишчиларининг бу масалага эътиборини кучайтириш зарур. Қолаверса, кўкаламзорлаштириш, мевали дарахт кўчатларини ўтказиш ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Эски уй-жойларни қайта таъмирлаш, корхона ишчилари учун маиший хизмат кўрсатиш комбинати қуриш, пойабзал ва саноат моллари магазини қуришга район раҳбарлари яқиндан ёрдам берадилар, деган умиддамиз.

Хуллас, корхонамиз меҳнат аҳли мазкур қарорни қўллаб-қувватлаш билангина чекланмай ўз имконияти даражасида бу тадбирларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Жойларда бундай ҳисса қанча кўпайса, шунча яхши: шаҳримиз обод ва гўзал бўлади!

Н. РИГОВАНОВ,
1-уйсозлик комбинати партия комитети секретари.

ХОНАДОНЛАРГА — «ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ»

⊙ Шаҳримиз қандай бўлиши керак? Бугун бу масала барча меҳнат коллективларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Баҳс ва мунозараларда тошкентликларнинг турмуш маданиятини яхшилашда нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида тўхталишяпти. Хонадонларга табиий газ ўтказиш шу куннинг муҳим масалаларидан эканлиги ҳаммамизга маълум. Хўш, бу соҳада амалга оширилган ва режалаштирилган тадбирлар қандай? Жамоатчи мухбиримизга Ўрта Осиё газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг директори Обидхўжа Ортиқхўжаев шу масала юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди.

— Газ саноати соҳасида ишлаганлигим учун ҳамшаҳарларимиз истиқомат қилиб турган жойларни имкониятга қараб тез орада газлаштиришга кўмаклашиш истагиданман. Бу масала анча вақтдан бери тинчлик бермайди. Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун шаҳримизнинг эски шаҳар қисми газлаштирилиши аҳволига қисқача тўхталиб ўтиш кифоя. Шу кунларда жумҳуриятимизда 40 миллиард куб метр арзон ёқилғи-газ қазиб олинади. Шундан 31 миллиард куб метри ўз республикамиз эҳтиёжлари учун сарфланади. Қолган 9 миллиард куб метри Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ССРга берилади.

— Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг 94 фоизи газлаштирилган. Унинг газлаштирилмай қолган 6 фоизи пойтахтнинг эски шаҳар қисмига тўғри келади. Бунинг турли сабаб ва муаммолари бор. Бугунги кунга келиб ўша муаммолар ҳал этиляпти. Асосий мутасадди ташкилот «Ташгаз» ҳамда Ўрта Осиё газлаштириш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти томонидан шаҳарни газлаштириш борасида амалий дастур ишлаб чиқилди ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланди.

Мазкур дастурга кўра жумҳуриятимиз пойтахтининг «зангори ёқилғи» билан таъминланиши 1993 йилда тўла ниҳоясига етказилади. Жумладан, пойтахтнинг эски шаҳар қисмида 80 километр ер ости қувурлари ётқизилиб, у хонадонларга газ олиб келади. 1989 йилда шаҳарнинг Собир Раҳимов районида мўлжалдаги 10 ўрнига 14 километрга яқин «зангори ёқилғи» келтирувчи қувурлар ётқизилди. Бу ишлар Қорасарой, Беженская, Бобожонов кўчаларида ҳамда Қумлоқ, Дирижабль, Программа ва Тарих каби ўтар кўчаларда амалга оширилди.

Шу кунларда Сариқсув кўчасида ва Уйланиш ўтар-кўчасида газ қувурларини ер остига ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу йил Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчасининг чинни заводидан бошлаб Кайковус ариғигача бўлган масофа, Қўштут кўчаси, Намуна, Омонат, Чимбой ўтар кўчалари, барча боши берк кўчалардаги хонадонлар «зангори ёқилғи»дан баҳраманд бўладилар.

1991 йилда шу районнинг Форобий, Қўштут кўчасидан эски шаҳар бозоригача, Ленточная, Ҳуррият, Сағбон кўчалари ва боши берк кўчаларида истиқомат қилаётган оилалар хонадонига арзон ёқилғи етказиб бериш мақсадида 28 километр қувур ётқизилади.

Газлаштирилмай қолган хонадонлар 1992—1993 йил давомида арзон ёқилғи-газ билан таъминланадилар. Тошкент чинни заводига берилаётган «зангори ёқилғи» Сағбон кўчаси ва унинг атрофидаги аҳолига зарар етказмаган ҳолда алоҳида қувурлар тармоғи орқали етказиб берилади.

Суҳбатни Д. РАҲМОНОВА ёзиб олди.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ОМБОР — ХАРИДОР» УСУЛИ

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 16 март сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги танқидий мақолада шаҳримизнинг баъзи бир озиқ-овқат ва нччилик маҳсулотлари магазинларида ҳуфиёна «Омбор — харидор» усулини жорий этиш бўйича ўзига хос «мусобақа» ташкил этилганлиги фош қилинган эди. Ишчи назорати вакиллари маҳсулотларни беркитиб қўйиш фактларини очиб ташлашган эди.

Редакция ана шу танқидий мақола юзасидан Ҳамза район озиқ-овқат савдоси идорасининг директори Қ. Раҳмижонов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Тошкент оқшоми»да босилган «Омбор — харидор» усули» мақоласида келтирилган фактлар текширилди. Ишчи назорати очиб ташлаган нуқсонлар ишлаб чиқариш кенгашларида ўз вақтида кўриб чиқилди ва қуйидаги чоралар кўрилди:

1/30-магазини мудири Х. З. Аҳмедовга сотувчилар иши устидан назорат - ўрнатмаганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди. Ўртоқлик суди қарори билан кассир-назоратчи С. Пўлатовага 30 сўм жэрима солинди.

33-магазин мудири А. Абдувоҳидов сотувчилар иши устидан назорат ўрнатмаганлиги учун бир ойлик мукофот пулининг ярмидан маҳрум этилди.

Шу магазин сотувчиси З. Ҳамдамовга қандолат маҳсулотларини пештахтага қўймаганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди ва у бир ойлик мукофотдан маҳрум қилинди.

50-магазин мудири Г. Жўраева сотувчилар иши устидан назорат ўрнатмаганлиги ва ўз вазифасини тегишлича адо этмаганлиги учун 3 ой муддатга катта сотувчи вазифасига туширилди. Сотувчи Ш. Хушназарова юзасидан материаллар эса район прокуратурасига оширилди.

Унга чора кўрилгандан сўнг қўшимча равишда хабар қиламиз.

1-магазин мудири Х. Аҳмедовга ва катта сотувчиси Б. Эмга гўшт консервалари омборида ортиқча маҳсулотлар сақлаганлиги ҳамда бириктирилган корхоналарга ўз вақтида хизмат кўрсатмаганлиги, мазкур маҳсулотлар қаерларга юборилиши ва сотилиши тўғрисида ишчи комиссиясига маълумот бермаганлиги учун ҳар қайсисига қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. 20 ва 21-магазинларни текшириш бўйича материаллар муҳокама билан чекланди.

⊙

Худди шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг «Ташгекстильшвейторг»и директори А. А. Муҳитдинов редакцияга шуларни маълум қилди:

— «Омбор — харидор» усули» кенгайтирилган кенгашда муҳокама этилди. Унда барча савдо корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар. Шунингдек бу мақола 28-магазин жамоаси ўртасида ҳам муҳокама этилди.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган 28-магазин бўйича чиқарилган буйруққа биноан совет савдоси қоидаларини бузишга йўл қўйган айбдор шахслар бир ойлик мукофотдан маҳрум қилиндилар.

Хориждан хабарлар

ДАСТЛАБКИ ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ КЎПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

⊙ ВАШИНГТОН. Америка пойтахти кўчаларида «Женерал Моторс» компаниясининг келажакда кўплаб ишлаб чиқариладиган электромобилларини синовдан ўтказиш тугалланмоқда. Янги электромобиллар одатдаги микроавтобус негизида яратилган бўлиб, уларнинг ташқи кўриниши ички ёнув двигатели билан юрувчи машиналардан сира фарқ қилмайди. Бироқ, ўртадаги фарқни ҳис этиш учун калитни бураш кифоя — машина ичида руль бошқаруви ва тормозлар гидрокучайтиргичлари системаларидаги босимни таъминлаб турувчи ёрдамчи двигателларнинг билинар-билинмас овози эшитилади, холос. Асосий двигатель эса амалда бутунлай шовқинсиз ишлайди.

Энг катта тезлиги соатига 55 миль бўлган машина тез юриладиган йўллардаги бошқа автомашиналар оқимига осонгина қўшилиб кетади. Бир марта тўла қувват берилган аккумуляторлар ёрдамида 60 миль йўл босиш мумкин. «Бу ракета эмас, лекин унда юриш ёқимли». — деб таъкидлашмоқда электромобиль синовдан ўтказилаётган «Потомак электрик» компаниясининг ҳайдовчилари.

Шу йил ёзида «Женерал моторс» заводларида электромобиллар кўплаб ишлаб чиқарила бошланади. Яқин икки йил ичида дастлабки 1500 электромобилни сотиш режалаштирилаяпти. Бесўнақай электр манбаи биринчи бор кўплаб ишлаб чиқариладиган электромобилларнинг асосий нуқсонидир — машина поли остига бензобаклар ўрнига 1250 килограмм оғирликдаги қўрғошин аккумуляторлар ўрнатилган. Улар қувватини тўла тиклаш учун саккиз соат керак бўлади. Аккумуляторлар ўртача уч йил ҳизмат қилади деб мўлжалланаяпти, кейин уларни алмаштиришга тўғри келади. Натижада электромобиллардан фойдаланиш бензинли двигатель билан ишлайдиган оддий машиналардан фойдаланишга нисбатан икки баравар қимматга тушиши мумкин.

Бироқ шу камчиликларга қарамай, «Женерал моторс» ўз электромобилларини кенг оммага таклиф қилиб кўриш ниятида. Бунда кўпроқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарафдорлари ҳаракатидан, шунингдек ҳавонинг мусаффолиги тўғрисида АҚШда қабул қилинаётган қонунлардан умидвор бўлиняпти.

ТАИЛАНДГА СОВЕТ КЕМАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

⊙ БАНГКОК. Бу ерда сув ости қанотли совет кемаларига хизмат қиладиган «Интертранспорт» компанияси махсус марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Дастлабки тўртта кема бу ерга шу йилнинг апрель-май ойларида олиб келинади. Кейинчалик улар сонини 11 тага етказиш режалаштириляпти. Янги тезюрар денгиз линияси дастлаб пойтахтни мамлакатнинг энг катта курортлари билан боғлайди. Кейинчалик бу денгиз йўлини Малайзия ва Сингапургача давом эттириш мўлжалланмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлида қўйилган янги қадамни Таиланд кенг жамоатчилиги маъқуллади. Бу қадам мамлакатга СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Н. И. Рижковнинг шу йил февраль ойидаги сафари олдидан ва ташриф чоғида имзоланган шартномалардан бирининг амалга оширилиши, деб ҳисобланмоқда.

Жанубий Корея пойтахтида транспорт воситаларининг тирбанд бўлиб қолиши натижасида кўриладиган зарар астрономик рақамлар билан ўлчанади. Сеул муниципалитети мутахассислар томонидан ҳисоб-китобларни амалга оширибб, нохуш хулосалар чиқарилган докладни эълон қилди. Унда келтирилган маълумотларга қараганда, ўтган йилн пойтахт кўчаларида автомобилларнинг тирбанд бўлиб қолиши натижасида кўрилган зарар 2,32 триллион бонни (қарийб 3,46 миллиард долларни) ташкил этган.

Вақтнинг беҳуда сарфланиши айниқса катта зарар етказмоқда. Агар транспорт тирбандлиги шафқатсиз равишда кўкка совурган вақтни пулга чиқадиган бўлсак, ўтган йили бунинг натижасида кўрилган зарар 1,98 триллион бонга етар экан. Ана шу рақам олдида ёқилғининг беҳуда исроф бўлиши арзимагандек туюлсада, бу кўрсаткич ҳам талайгина маблағни — 336,8 миллиард бонни ташкил этади.

Сеулда ярим миллиондан зиёд шахсий машина эгалари бор. Улар ҳар куни бир соату уч минут вақтларини беҳуда кўкка совурадилар. Агарда ана шу исрофгарчилик пулга чақиладиган бўлса, бу бир йилда 869,6 миллиард бонни ташкил этади.

СУРАТДА: кўчалардаги транспорт тирбандлиги Сеул учун одатдаги манзара бўлиб қолган.



Ренхап — ТАСС сурати.



АРАЛАШ

(Байрам қутлуғ бўлсун)

Хўрозларимиздан биттаси бир чаккада тўртта уюри билан туриб, боғларга, далаларга имлаб:

Кўз очайлиқ ўртоқлар — ҳайит келди ёр-ёр,
Жажжи қизни илмоққа пайт келди — ёр-ёр, —
дейдир.

— Шайҳантовур сайилига шўрвалар, жаркоплар ортидан «пеш бурун» қилиб буфет очқон ўртоқлар — ғалладонни салмоғлаб, «эҳе... дейдирлар, фойда қилдиқми, зарар? Эҳе...» дейдирлар.

— Шайҳантовур ярмонкасига рўза бўйи мол ёйган жувонлар, кампирлар, қизлар, тумсалар фажиъ бир қиёфа билан «алвидо ё моҳи рамазон» деб рўмол силкитадирлар.

— Ўттуз кун рўзада бўйни хурмачанинг боғига тенглашкан катта-кичиқ акалар «уффф» дейдирлар, «моҳи шарифдан қутилар кун ҳам бор экан», дейдирлар.

Шайҳантовур сайилидаги арзончиликдан қутулган кармонлар, ҳамёнлар бу кундан бошлаб белангидан қутулғандек бўладирлар.

Сайилга пул еткузолмасдан боққолнинг тўпписини қассобга, қассобнинг тўпписини боққолга кийгизиб юрган товламачилар, уй рўзғорини сотиб ота-оналарини қон қақштатган афандилар сайил муаммоларини тўғрилаш учун уч кун ҳайитда «обаки дандон» сотадирлар.

Чайнамай шиминг — чайнамай шиминг
Обию — боби, ҳаммангизга дори
Ийди шариф қутлуғ бўлсун қариндошлар.

Жулқунбой

Муштум. Юқоридаги эҳе — пеҳингизга яхши тушунолмадиқ, яъни булутғидек ҳисобини тоқ келтириб жуптоқ ўйнайдирлар демакчи бўласизми? Қўйинки мулла Жулқунбой, оғзингиз ҳам бепаравўз-да, ўртоқ!

Муштум, 8-сон, 3-бет, 1923 й. 17 май.

АДИБ КИТОБИГА ЁЗУВ

Манфур деб айтишди такрору такрор,
Сиз қаламга олган ўтмиш дунёни.
Бундай бўҳтонларни этганча инкор,
Сиз асраб қолдингиз Анвар-Раънони.
Ўткинчи ютуқлар кўр қилди бизни,
Дабдаба, мақтовлар кўмди дунёни.
Ғафлат уйқусидан оғгунча кўзни,
Тупроққа топширдик қанча Барнони.
Устоз, журъатингиз таҳсинга арзир,
Сиз асраб қолдингиз Анвар-Раънони.
Қалбимнинг тубида армон бор, ахир,
Мен асрай олмадим гўзал Барнони.

Асрор МЎМИНОВ.

Абдулла Қодирийнинг 96 йиллигига

⊙ Ўзбек халқи буюк ёзувчи ва шоирлари билан ҳақли равишда фахрланиб, уларнинг нодир жавоҳирлардек бебаҳо асарларини кўз қорачиғидек асрайди, эъзозлайди ва номларини шарафлайди. Шундай эъзоз-эҳтиромга лойиқ буюк ёзувчилардан бири, ўзбек романчилиги мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) таваллуд топган кунга эртага 96 йил тўлади. Жумҳуриятимизда шу муносабат билан Қодирийхонлик кунлари қизғин ўтказилмоқда, ёзувчининг 100 йиллик катта тўйига ҳам муҳим тадбирлар кўриляпти. Қуйида Абдулла Қодирий ижодидан намуна ва у ҳақдаги хотира материалларини ўқийсиз.



Ўзбекистонда Чўлпон кунлари

⊙ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарияти ва «Адолат» комиссияси ҳамкорликда Чўлпон кунларини Тошкент Давлат дорилфунунида бошлашга қарор қилди. Хотира-кеча бугун дорилфунун Маданият саройининг кичик залида ўтмоқда. Қуйида Чўлпон ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги мақолани диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» рўзномасининг шу йил 26 январь сонида техника фанлари доктори, профессор Аббос Ашрабовнинг «Кўктеракда бир кун» сарлавҳали хотиралавҳаси босилиб чиқди. Уни ўқиб беихтиёр улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг зиёратига биринчи марта туғилган ихлос, эътиқод кейинчалик ҳам мени бу қутлуғ даргоҳга кўп бор етаклади.

Боқирхон домла олиб бориб, таништирганларидан бир ойлар чамаси кейин, Абдулла аканикига борганимда, у киши мендан кўп нарсаларни: қайси қишлоқдан эканлигим, ўқишим қандай борган кунимиз бутун тафсилоти билан хотирамда жонланди.

Таъзим бажо этаман

Аббос Ашрабов ёзганидек, ўша 1926-йилларда 7 йиллик интернат-мактабда таҳсил олардик. Мудиримиз Садриддин домла, она тили ўқитувчимиз Тошкентнинг Ялангқар маҳаллалик Боқирхон Жаъфарий эдилар. Бу одамнинг Абдулла Қодирий билан танишлиги бўлиб, бизнинг (Аббос Ашрабов, Аброрхон Хосилхонов ва мен) ялиниб, ҳоли-жонига қўймаганимиздан кейин, адибнинг Эшонгузар маҳалласидаги шаҳар ҳовлисига олиб бориб, ул зот билан таништирган эдилар. Бу тўғрида Аббос Ашрабов юқорида айтилган хотира мақоласида аниқ ва тўлиқ ёзди. Адабиётга бўлган ҳавасим, улуғ адибга нисбатан кўнглимда Шундан кейин Абдулла ака аёллар ишлатадиган «байталмонқолсин» деган қарғиш сўзнинг ҳам қандай пайдо бўлганлигини айтиб бердилар.

1935 йилнинг бошларида «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда, майда ҳикоялар учун очиқ конкурс эълон қилди. Мен ҳам «Паранжили хотин» сарлавҳали ҳикоямо бир нарса ёздим. Аввал хат орқали розиликларини олганимдан кейин Абдулла аканинг маслаҳатларига олиб бордим. (1935 йил май ойининг бошлари эди). Бу маҳалда у киши Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлиларида яшар эдилар. Ўша дамларда Ҳамза театри учун Гоголнинг «Ўйланиш» комедияси таржимаси билан банд эканлар. Олиб борган ҳикоямни ўқиб, қимматли маслаҳатларини бердилар. Бу ҳикоя конкурсга юборилган бошқа ҳикоялар қатори (улар ичида Чўлпоннинг «Мерос» деган ҳикояси ҳам бор эди), газетада босилди. Конкурс якунида жюри қарори билан биринчи ўринни олди ва 1000 сўм пул билан тақдирландим. Бунинг учун ўша маҳалда у кишига миннатдорчилик изҳор қилган бўлсам, бугун азиз руҳларига таъзим бажо этаман.

Усмон УМРЗОДА,
Тошкент область, Телов қишлоғи.

ЎЗБЕК совет адабиётининг порлоқ юлдузларидан бири — Чўлпон номи халқимиз дилидан чуқур ўрин олган. Айни шу кунларда Ўзбекистонда Чўлпон кунлари ўтказилаётгани қувончли бўляпти. Дорилфунунимизда ўтаётган хотира-кечада Чўлпонни кўрган, у билан мулоқотда бўлган, ўзини унинг мухлиси деб ҳисобловчи айрим зиёлилар шоир ҳақидаги эсдаликлари билан ўртоқлашадилар. Улар орасида Сулаймон Азимов, Илёс Акбаров, Ғуломқодир Норхўжаев, Юнус Маҳмудов каби муҳтарам зотлар бор. Шунингдек, кечада Чўлпон шеърлари янграйди, унинг сўзлари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилади. Олимлар ва шоирлар Чўлпон ҳақидаги ўй-мулоҳазаларини айтишади. Ўйлаймизки, бу кеча Чўлпон хотирасини муносиб нишонлаш бобидаги кичик бир уриниш бўлади.

Сўнгроқ, апрель ойининг иккинчи ярмида Чўлпон кунларини унинг ватани Андижонда ҳам нишонлаш кўзда тутилмоқда. Умуман, бундан кейин ҳар йили бутун жумҳуриятимиз бўйлаб, йирик корхоналарда, олий ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда, мактаб ва техникумларда анъанавий чўлпонхонлик кунларини ўтказишни мўлжаллаб турибмиз.

Чўлпон бадиий таржима ва танқидчилик соҳасида ҳам анча ишлар қилган. Шуниси муҳимки, у қайси жанрда ижод этмасин, ҳаммасида яхлит бир шахс сифатида, чинакам гуманистик, эҳтиросли эрк куйчиси тарзида намоён бўлади.

Маданиятимиз Чўлпон меросидан нега маҳрум қилинганининг сабабларини бугунги кунда аниқроқ тасаввур қилиш мумкин. Менимча, бу янглишилган маълум бир сиёсатнинг оқибати. Бу — Сталин диктатурасининг ёхуд истибдодининг қарор топиши билан боғлиқ. Маълумки, Сталин ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашни теварак-атрофдаги одамларни маҳв этишдан бошлади. Бу одамлар ёлғиз эмас эдилар. Умуман ҳар бири юзлаб, балки минглаб издошларга, ҳамфикрларга эга эди. Бинобарин, уларни ҳам йўқотиш керак эди. Минглаб одамларнинг ёстиғи қуритилса, бу изсиз кетмайди, албатта. «Нималар бўляпти ўзи?» деб савол берадиган одам топилади. Бунақа саволни мустақил фикрлайдиган лолари, нозик товланишлари инжа бир санъат билан инкишоф этган Чўлпон зўр драматург эди. Унинг қаламига ўнга яқин драма асарлари мансуб. Уларнинг ҳаммаси ўз вақтида саҳнага қўйилган ва турли-туман баҳсларга, мунозараларга сабаб бўлган.

ШЕЪРЛАРДА ЧАҚНАГАН ОРЗУЛАР

Чўлпон ўзбек халқининг буюк шоири эди. Эҳтимол, Алишер Навоийдан кейин шеъриятимизни чинакам юксакларга кўтарган шоир Чўлпон десак адашмасмиз. Афсуски, 20-йилларда ва айниқса 30-йилларда адабиёт соҳасида ҳам бир ёқлама фикрлаш авжга минган, адабиётни жиловлаб, сиёсатнинг оқсочига айлантириш учун уринишлар кучайган бир шароитда, Чўлпон шеърияти асоссиз қораланди, уни миллатчига чиқариб қўйишди, ҳали қамалишидан олдиноқ уни «душман» деб эълон қилишди. Бунинг натижасида унинг ҳар бир шеърида миллий маҳдудликни, гоявий чалкашликни буржуа синфларининг тегирмонига сув қуядиган мазмунни кўрдилар. Ҳолбуки, Чўлпонда на миллатчилик на гоявий чекланганлик бор. Чўлпон ўз халқини, ўз юртини фавқулодда зўр, бениҳоя ёлқинли муҳаббат билан севарди. У ўз юртини озод кўришни, халқини ҳар қандай зулмлардан ва золимларнинг таҳқиридан халос кўришни орзу қиларди ва шу орзусини шеърларида баралла куйлаган. Унинг учун инсонликнинг маъноси эркин бўлиш, озод бўлиш билан баробар эди. Юрт эркин бўлмаса, тутқин, қул бўлса, ўзгаларга қарам бўлса, Чўлпон бундай юртдан воз кечишга ҳам тайёр эди. Чўлпон ўз вақтида одамларга одамиятдош, ўз қадрини англаб етиш, уни юксак тутиш инсонийликнинг биринчи шарти эканидан сабоқ берди. Унинг шеърларини ўқиган китобхонда ўзининг инсон эканлигига чинакам ғурур пайдо бўлади, у беихтиёр қадрини тиклаб, бошини тик кўтариб, теварак-атрофига мағрур назар ташлай бошлайди.

Чўлпонни ўз юртининг ҳақиқий фарзанди дер эканмиз, мен биринчи навбатда ана шуни, яъни шоир қалбимизда инсоний ғурур учқунларини алангалантиргананини тушунаман.

Чўлпон ҳар қандай буюк истеъдод эгаси янглиг кўпқиррали ижодкор эди. У шеърлар билан бир қаторда, ҳикоялар ва қиссалар ёзган. Унинг ҳикоялари ихчам, содда ва лекин жуда самимий. Уларда ўзбек ҳаётининг турли қирралари ифодаланган. Унинг «Кеча ва кундуз» романи адабиётимизда ўзига хос ўрин тутди. Бу роман инқилоб арафасидаги ўзбек воқелигини холисанилло, бўямасдан тасвирлашнинг ёркин намунасидир. Унда муаллиф ўз қаҳрамонларига «ижобий» ёхуд «салбий» деб эмас, дўст ёхуд душман деб эмас, биринчи навбатда тирик инсон деб қарайди ва ҳар бир қаҳрамонида инсонга хос қудратни ҳам, заифликларни ҳам кўрсатади. Романнинг тили бениҳоя ширали, рангдор; унда халқ тилининг ҳамма жиодам беради. Ўз фикрига эга одам ўжар ва халоскор бўлади, ҳа деганда гапга киравермайди, муросага юрмайди, «эрк» дейди, «мустақиллик» дейди, «виждон» дейди, қўйинг-чи, шунга ўхшаш бўлар-бўлмас гапларни қўзғаб, мамлакатни бошқаришга халақит беради. Бунинг давоси битта — ҳамма жойда қўрқув салтанатини ўрнатиш.

Истибдодга қурилган ҳар қандай тузумда шоир халқи сигмаган. Сталин замонасида ҳам шундай бўлди. Чўлпон минглаб, балки ўн минглаб бошқа истеъдод эгаларн каби қатл этилди...

Маълумки, бундан уч йил илгари мўътабар комиссия томонидан Чўлпон асарларини тўплаб, халққа етказиш тавсия қилинган эди. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Чунончи ўтган йили Чўлпоннинг ижодий кечаси ўтказилди, «Адолат» комиссияси уюштирган анжуманда Чўлпон ҳақида 5 та маъруза ўқилди. Ҳамма жаридалар ва рўзномаларда Чўлпон ижодидан намуналар берилди, унинг тўғрисида мақолалар босилди. «Шарқ юлдузи» журнасида «Кеча ва кундуз» романини эълон қилди. «Чўлпон» нашриёти шоирнинг «Баҳорни соғиндим» тўпламини чиқарди. «Звезда Востока», «Дружба народов», «Вопроси литературы» журналарида Чўлпон асарлари ва унинг тўғрисидаги мақолалар чиқди. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси Чўлпон ҳақида бир неча бор эшиттиришлар ва кўрсатувлар берди. Кўриб турибсизки, анча-мунча ишлар қилинди.

Аммо, унинг нисбатан мукаммалроқ тўплами ёхуд танланган асарлари чиққани йўқ. Бу энг жиддий нуқсон. Бундай китобни вужудга келтириш жуда қийин, муайян вақтни талаб қилади. Чунки шоир асарлари, асосан, 20-йилларлардаги вақтли матбуот саҳифаларида сочилиб ётипти. Уларни тўплаш учун кўп ишлаш керак. Ҳозир шундай бир китоб яратилди. Унга Чўлпоннинг 150 дан ортиқ шеъри, «Кеча ва кундуз» романи ва «Ёркиной» драмаси киритилди. Уни тайёрлашда Эркин Каримов, Наим Каримов, Шерали Турдиев каби адабиётшунослар, шунингдек, ёш тадқиқотчи Замира Эшонованинг хизмати бор. Китобнинг изоҳларини Наим Каримов тузди. Ноширларимиз бу китоб учун зангори чироқ ёқиб, уч ойлар ичида чиқаришга ваъда беришган. Буларнинг бари Чўлпонни адабиётимизга, маданиятимизга қайтаришдаги илк қадамлар...

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни профессори, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

Ижодий уюшмаларда

Муаммолар оз эмас

Эртага жумҳурият театр арбоблари уюшмаси мусиқий театрлар комиссиясининг ташаббуси билан «Ўзбекистон мусиқий театрларининг муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилади. Шу муносабат билан мухбиримиз уюшманинг ижодий бўлимн катта ходими Наргис Маҳкамова билан суҳбатлашиб, конференцияни ўтказишдан асосий мақсадлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Уюшмамиз қошида ҳар бир соҳа бўйича комиссиялар ишлаб турибди, шу жумладан мусиқий театрлар комиссияси ҳам. У асосан опера ва мусиқий театрлар масаласи билан шуғулланади. Конференцияда Навоий номидаги Ўзбек давлак ақадемик катта театри, Мусиқий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри, Самарқанд опера ва балет ҳамда Қорақалпоқ мусиқий театрларидан вакиллар ташриф буюришади. Шунингдек, Тошкент Давлат консерваторияси, Тошкент театр ва рассомлик санъати, Маданият институтларидан ва бошқа ижодий уюшмалардан ҳам меҳмонларни таклиф этганмиз.

— Инғлишида қайси муаммоларни кўтариш кўзда тутилган?

— Сир эмас, ҳозирги пайтда мусиқий театрларнинг аҳволи жуда оғир. Муаммолар қалашиб ётибди. Биринчиси, кадрлар масаласи. Ушбу санъат даргоҳига келаётган ёшларнинг кўпчилиги умуман талабга жавоб беришмайди. Иккинчиси, созандалар масаласи. Айрим вилоят театрларида учтўрт кишигина чолғучилар гуруҳини ташкил этишади. Бунинг устига уларда бирон куйни маромига етказиб чалиш маҳорати етишмайди. Учинчиси, олдимизга театрларнинг иқтисодий-хўжалик аҳволини кўтариш вазифасини қўйганмиз. Бу санъат жамоалари ҳозир шундай аҳволдаки, актёрларнинг тайёргарлиги иқтисодий жиҳатдан ҳам, касб маҳорати жиҳатидан ҳам яхши эмас. Оладиган маошлари жуда оз.

— Уларни қандай ҳал этиш мумкин, деб ўйлайсиз?

— Аввало шу соҳа олий ўқув юртлари билан алоқани мустаҳкамлаш даркор. Масалан, бирон ижодий жамоаси театр ва рассомлик санъати институтига олдиндан буюртма берсин: бизга шунча санъаткор тайёрлаб беринг, деб. Институт эса ўшанча ёшни мусиқий театрлар учун махсус гуруҳ ташкил этиб ўқитади. Шу жумладан, созандалар тайёрлашга ҳам олдиндан буюртма берилсин. Шундагина ушбу жамоаларни талабга жавоб берадиган, иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлдириш мумкин. Шу масалалар бўйича етук мутахассислар маъруза қилишади. Иқтисодий масалаларни ҳал этиш албатта жумҳурият Маданият нозирлигига боғлиқ. Нозирликнинг ёрдамисиз бу борада ҳеч бир иш қилолмаймиз.

Суҳбатни
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ
ёзиб олди.



«Дўстлик — дилларнинг олтин кўприги». Н. Муҳаммаджонов сурат лавҳаси.

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

⊙ ХАЛҚ рақс санъатини ривожлантириш мақсадида жумҳуриятимиз пойтахтида яна бир ижодий коллектив тузилди. «Ўзбекистон» деб аталган бу халқ рақс театр-студияси Ўзбекистон театр арбоблари жамияти актёрлар уйида жўшқин фаолиятини бошлади.

Таниқли санъаткор Қ. Мўминов бошчилигида концерт программалари тайёрланишга киришилди. Ранг-баранг ва жозибали рақслардан тузилган бундай томошалардан бири жумҳурият телевидениесида кўрсатиш учун ҳозирланди.

Янги театр-студия чет эл гастролига ҳам тараддуд кўрмоқда. Санъаткорларнинг Америка Қўшма Штатларига қиладиган ижодий сафари биродарлашган Тошкент—Сиэтл шаҳарлари ўртасидаги дўстлик алоқалари тадбирлари доирасида ўтади.

Саодат ОДИЛОВА.

Назм дафтаридан

Қалбинг мудроқ экан...

Ота-онасига ишонмаган эл,
Ишонди Кашпировский, Чумакларига.
Ишонди «Ойнаи жаҳон» орқали
Бераднган кўмакларига,
Кутди. Гоҳ эрталаб,
гоҳ шому саҳар.
Бетоқат, уларнинг чиқишларини,
Ишонди, танасига ўрнашиб олган
Касаллик деворин йиқишларини.
Билмади,
Касаллик қай ердан пайдо,
Танда бор экан, асло йитмайди,
Мингта Кашпировский,
Чумаклар келсин,
Унинг жароҳатн асло битмайди.
Имонинг бор бўлсин,
Соддадил халқим,
Бунчалар бўлмасанг сеҳрга муҳтож.
Не-не сеҳргарлар
Елкангга қоқиб,
Пахтадан бошингга кийдирди гултож.
Шунда ҳам меҳрибон топган одамдек,
Суяндинг, пинжинга кирдинг олқишлаб,
Гултожим бор дединг.
Ўзинг дилдираб
Далада умрингни ўтказдинг
қишлаб.
«Ойнаи жаҳон»га боқасан рангпар.
Сўнган ғайратингни
Қилгандек бунёд.
Ўзингдан ўтганни ўзинг биласану
Айтолмайсан.
Қўймас сароб эътиқод.
Юрагинг оғрийдн,
Сочим қорайди дейсан.
Эс-ҳушинг Кашпировский, Чумакларда
Тарғибот қилсан
Бехабар қолманг,
Кўплар зор уларнинг кўмакларига...
Касаллик илдизи асли мустаҳкам,
Танага ўрнашиб олган йитмайди,
Мингта Кашпировский,
Чумаклар келсин,
Қалбинг мудроқ экан, асло битмайди.

Дейдиларки...

Дейдиларки... ғанимларим кўп эмиш,
Мен ёлғизман, улар эса тўп эмиш.
Пойлар эмиш изларимни, сўзимни,
Қўлларида ойболта-ю, чўп эмиш.
Қувонаман бу сўзлардан, бекорга
Ўйлар эдим, ёлғизманда, унутманг.
Шунча «гамхўр» бор экан-ку қаторда
Не камим бор чайирману, бургутман.
Уларда ҳам ният катта, изғишар,
Канда қилмас туну-кун юрмоқларин,
Мен яйрасам, ғанимларим бижғишар,
Сўриб яшар олтинчи бармоқларин...

Сафар БАРНОЕВ,
ғафур ғулом мукофотининг лауреати.

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИ КУЗГА ҚОЛДИРИЛДИ

⊙ Май ойида Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро XI кинофестивали ўтиши керак эди. Кинотомошабинлар бундай дамларни орзиқиб кутаётган бир пайтда анъанавий анжуман кузга, аниқроғи, октябрь ойига қолдирилгани маълум бўлди.

— Бунинг асосий боиси бу йил май ойида Канн шаҳрида ҳам халқаро кинофестиваль ўтказилишидир, — деди жумҳурият кинофильмларни ижарага бериш идорасининг директори А. Ҳидоятов. — Турган гапки, турли қитъа, мамлакатлар, ташкилотлар бир пайтнинг ўзида бу икки йирик тадбирда қатнаша олмайдилар. Бундан буён Тошкент кинофестивалининг кузда доимий ўтиш-ўтмаслиги ҳозирча ҳал этилгани йўқ. Аммо фестиваль ҳар қачонгидан яхши ўтиши учун барча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

— Анвар Омонович, имкониятдан фойдаланиб фильмларни ижарага бериш идорасидаги ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бизнинг вазифамиз шаҳар, вилоят кинотеатрлари, маданият саройлари, клубларни экран асарлари билан таъминлаш, шунингдек кенг томошабинлар ўртасида ташвиқот этиш, тижоратнинг энг оммабоп, қулай усулларини йўлга қўйишдан иборат. Шунингдек, ғўт нашр — «Кино» ойлик ахборот-тижорат журнали ўзбек ва рус тилларида, «Экран янгиликлари» ва «Новости экрана» ҳафталик кинога зеталари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Идорамиз йилига 300-320 номдаги 5000 нусхага яқин фильм олади. Булар асосан иттифоқдош жумҳуриятлар, социалистик ва капиталистик мамлакатлар киностудиялари ҳамда кинокампанияларида яратилган асарлардир. Булардан энг қувончлиси, эндиликда уч ойда бир Москвада янги яратилган фильмлар кинообзори ўтказилиб, ҳар бир жумҳурият вакили ўз томошабинининг таъби, диди ва хоҳишига қараб кинофильмларни ихтиёрий равишда сотиб олмоқда. Экран асарларининг бу тарзда танлаб олиниши унинг қийматини оширади, холис баҳо берилади. Ютуқларимиздан яна бири—Ўрта Осиё ва Қозогистон жумҳуриятида мувофиқлашган киномарказ тузилди. Регион ижодкорлари мунозара юритиб, олди-сотди масалаларини ўзаро ҳолда мустақил ҳал этадилар.

Суҳбатилла НОРХЎЖАЕВ.



«Дадажон, қуроғим ўзимдан ҳам катта-я».
Р. Альбеков сурат лавҳаси.

Инсон—инсонга

ФОНДНИНГ БИРИНЧИ ЖАМОА АЪЗОСИ

Тошкентда Совет меҳр-мурувват ва саломатлик фондининг Ўзбекистон республика бўлимига ҳамкорликнинг янги, ҳозирча одат тусига кирмаган шакли пайдо бўлди. «Узбекгеология»га қарашли геология ва нефть ҳамда газ конларини излаш институтининг ходимлари шу фонднинг республикада биринчи коллектив аъзоси бўлдилар. Институт коллективи бу ерга яқин жойлашган маҳаллада яшовчи барча муҳтож кишиларга бундан буён ҳомийлик қилишни ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олдилар.

Биласизми, иқтисодий, моддий фаровонлик соғлом маънавиятнинг асоси бўлади, деган қоида шу ерда айниқса яққол тасдиқланди, — дейди институт директори С. Т. Толипов. — Атиги уч-тўрт йил муқаддам биз бундай ишни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Лекин мана хўжалик ҳисобига ўтдик, яхши ишлаб даромад олишга эришдик. Пулларнинг бир қисмини ижтимоий ёрдам беришга сарфлаяпмиз. Аввало ўз собиқ ҳамкасбларимиз — пенсионерларга ғамхўрлик кўрсатдик. Ёш оналарнинг пул тўланадиган отпускасини ўз ҳисобимиздан узайтирдик, ходимларимизнинг бошқа баъзи муаммоларини ҳал этдик. Кейин хайрия мақсадлари учун пул ўтказдик.

Энди янги босқич бошланди. Институт ходимлари қўшни маҳалла аҳолисига эътиборини қаратди. Маълум бўлишича, улар орасида ёлғиз қариялар, ногиронлар анчагина бўлиб, кўп болали оилалар рўзғор тебратишда қийналаётган экан... Шундан кейин меҳр-мурувват ва саломатлик республика фондининг правлениесига мурожаат қилдик. Бу ерга маслаҳат сўраб келган эдик, маслакдош бўлиб қайтиб кетдик. Чунки худди ўшанда икки ташкилот вакиллари амалий ҳамкорлик қилиш ва институтнинг меҳр-мурувват хизматига ёрдам бериши тўғрисида дастлабки тарзда келишиб олишган эди.

...Мана ниҳоят — институт ходимларининг умумий йиғилиши бўлди. Мажлисга меҳр-мурувват ва саломатлик фондидан вакиллар, институт ветеранлари, шу атрофда яшовчи кам таъминланган кишилар келишди. Улар атайлаб таклиф қилинган эди: кекса аёллар ва кўп болали оналарга шу ернинг ўзида меҳр-мурувват ва саломатлик фонди номидан 100 — 150 сўмдан пул, кийим-бош берилди.

Аёллар кўз ёшларини яшириб ўтирмадилар. Чунки улар ўз умрларида биринчи бор «шунчаки» ёрдам олдилар, кун кўриш учун бир оз бўлсада, мадад бўлсин дея биринчи бор одамни таҳқирловчи турли справкалар тўплаш, хонама-хона сарсонгарчилик керак бўлмади.

Бундан буён ҳам шундай бўлади: институтда ташкил қилинган ташаббускор группа ёрдамга муҳтож барча кишиларни рўйхатга олади. Институт ходимлари, эҳтимол қўшни мактаб ўқувчилари ҳам уларга ёрдамлашишади. Чунончи, ёрдам ҳар қандай кўринишда — ногиронлар уйининг полини ювиб беришдан тортиб озиқ-овқат, кийим-кечак, пул билан таъминлашгача бўлиши мумкин. Зарур бўлиб қолганида ишга меҳр-мурувват ва саломатлик фондининг Тошкент шаҳар бўлими ҳам бош қўшади.

— Бизда коллектив аъзолик каби иш шаклининг пайдо бўлиши ниҳоятда муҳимдир, деб ҳисоблайди совет меҳр-мурувват ва саломатлик фонди Ўзбекистон республика бўлими раисининг биринчи ўринбосари М. С. Усмонхўжаев. — ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда, — Демак, Ўзбекистонда тобора кўпроқ одамлар ҳамюртларига меҳр-мурувват кўрсатиш зарурлигини англаб етмоқдалар. Чунончи, энди бу кўпинча шунчаки, мадад ёки бир марта бериладиган пул бадали эмас, шу билан бирга фаол иш ҳамдир.

Республика корхоналарининг кўпчилиги бизнинг ишончли ёрдамчиларимизга айланишган. Масалан, «Силикат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги «Меҳнат» касаначилик фабрикаси, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси... Биз Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва унинг айрим павильонлари раҳбарияти билан кўргазмалар тугаганидан кейин экспонатларни фондга топшириш тўғрисида шартнома тузганмиз. Айтганча, оталиғимиздаги кўпгина кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистондаги энг яхши корхоналарда тайёрланган ажойиб озиқ-овқатлар, хилма-хил консерваларни олдилар.

Шу билан бирга фонднинг турар жойлардаги ёрдамчи группалари ҳам кўпайиб бормоқда. Март ойининг ўзида республика пойтахтининг Акмал Икромов ва Октябрь районларидаги учта маҳаллада меҳр-мурувват ва саломатлик фондининг ана шундай бошланғич ташкилоти пайдо бўлди. Бу дастлабки қадамлар, холос. Чунки ёрдамга муҳтож одамлар ҳамма жойда топилади ва уларнинг ҳар бирига ғамхўрлик қилиш бизнинг бурчимиздир.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ТАЖРИБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ҲУЗУРИДА

ХИЗМАТЛАР ХОНАСИ ОЧИЛДИ

Бу ерда ишлатишга яроқли чиқиндилар, ишлатилмай қолган материаллар, корхона ва унинг кооперативлари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари сотилади.
Кичик ҳажмли шкаф — 44 сўм.
деворий шкаф — 25 сўм,
гул солиш учун мослама — 3 сўм 40 тийин,
«Мироб—1» суғориш комплекти — 16 сўм,
ҳажми 1 метрли ҳовуз — 57 сўм,
ҳажми 1,5 метрли ҳовуз — 80 сўм,
ҳажми 2 метрли ҳовуз — 100 сўм,
жўжаларга сув бериш мосламаси — 90 тийин,
дрель учун мослама — 2 сўм 30 тийин, шулар жумласидандир.
Бундан ташқари турли диаметрдаги полиэтилен қувурлар ҳам сотилади. Диаметрига қараб 1 метрининг баҳоси қуйидагича:
63 миллиметрлиги — 1 сўм 55 тийин,
75 миллиметрлиги — 50 тийин,
110 миллиметрлиги — 1 сўм 25 тийин,
125 миллиметрлиги — 1 сўм 80 тийин,
160 миллиметрлиги — 2 сўм 20 тийин.
Хизматлар хонасига 59, 65, 166-автобусларда бориш мумкин, «Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси» бекати.
«Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги тажриба ишлаб чиқариш корхонаси.

«МЕБЕЛЬ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ

уйда мебелни ўрнатиб бериш ва йиғиш бўйича

ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Магазин қўнимгоҳи: Юнусобод даҳаси, 8-квартал, 39-уй.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни—якшанба.

25, 28, 29-трамвайлар; 18, 24, 51, 60, 72, 82, 96, 107, 117-автобуслар билан борилади («Юнусобод колхоз бозори» бекати).

Телефон 24-87-45.

«МЕБЕЛЬ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узхозторг»нинг Тошкент областлараро улгуржи базасида соҳибкорлар учун мўлжалланган моллар: боғ анжомлари термалари (22 сўм 15 тийин), япалоқ белкураклар (1 сўм 10 тийин), бута кескич қайчилар (4 сўм 80 тийин), темир ҳокандозлар (75 тийин), қурилиш андаваси (1 сўм 30 тийин), полиз хаскаши (1 сўм 40 тийин);

аммоний сульфати (27 тийин), хлорли калий (20 тийин), гумат (1 сўм 70 тийин), суперфосфат (88 тийин), микроўғитлар (60 тийин), нитрофос (45 тийин) ЎҒИТЛАРИ,

канифолли боғ қайнатмаси (70 тийин), карбофос (45 тийин), олтингугурт (31 тийин), антихлорозин (2 сўм), битоксибацилин (1 сўм 92 тийин) ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАРИ етарли миқдорда бор.

96—07—12 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.



«Узхозторг»нинг Тошкент областлараро улгуржи базаси.

9 АПРЕЛДАН КОСМОНАВТИКА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК КЎРИГИ ЎТКАЗИЛАДИ.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«Восток» кинотеатри

9—10 — Москва — Кассиопея.
11—12 — Коинот иродаси.

К. Ерматов номли кинотеатр

12 — Орбитадан қайтиш.

«Москва» кинотеатри

12 — Орбитадан қайтиш.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«Москва» кинотеатри

12—13 — Наксиддин ахборот беради.

«Нукус» кинотеатри

12—13 — Парвоздан кейинги ўйлар.

Лисунов номидаги кинотеатр

12—13 — Парвоз ва жасорат давом этади.

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли кинотеатр

12—13 — Биринчи.

«Фестиваль» кинотеатри

12—13 — Ерга хос бўлмаган хроника.

«Чайка» кинотеатри

Уфқ сари йўл.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

9 АПРЕЛДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИНИНГ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРИЛДИ:

«Сабр косаси»



Сценарий муаллифи — С. Марков.

Режиссёр — Е. Матвеев.

Ролларда — Е. Матвеев, О. Остроумова, Ю. Демич ва бошқалар.

«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

Фильм қаҳрамони — овшунос Иван Медниковнинг ҳалоллиги ва қатъиятлилиги районда яхшигина ҳокимиятга эга бўлган ўғринча овчиларга қарши олишувда намоён бўлади.

«Катта урушдаги кичик одам»

Сценарий муаллифи ва режиссёр — Ш. Аббосов.

Ролларда — М. Раҳимов, М. Алимова, Д. Бозорова ва бошқалар.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулоти.

Бу Ўзбекистондаги мўъжазгина ишчилар шаҳарчасининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ҳаёти ҳақидаги, ҳушёр, мўмин-қобил, борлиқни шоирона ҳис этадиган ўсмир нигоҳида акс этган одамларнинг ўзаро мураккаб, қарама-қарши муносабатлари ҳақидаги ҳикоядир.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

МУСТАҚИЛ ТИЛ ЎРГАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар ўзбек ва инглиз тилларини ўрганиш ёки билимингизни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, «Узэнергоналадка» корхонасида ташкил этилган ТИЛЛАРНИ ТЕЗКОР ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА МАРКАЗИга мурожаат қилинг.

Марказда тилларни мустақил ўрганиш учун лингафон хонаси мавжуд.

Марказга қабул қилинган талабалар имтиёзли нархларда лингафон курсларини (магнит ёзувли кассеталарни ва китобларни) сотиб олишлари мумкин. Маълумотларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни 33-80-01 телефони орқали соат 9 дан 12.00 гача олсангиз бўлади.

«Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Узэнергоналадка» корхонаси.

22-27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.30 ДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

«ЦИРК-МОСКВА» ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИ ТАЪСИСЧИ — В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БОЛАЛАР ФОНДИ

Кўпсонли томошабинларнинг талабларига биноан саҳнада яна — ПСИХОТЕРАПЕВТ-ГИПНОЗЧИ

Анвар ИСОМИДДИНОВ

Душанбе шаҳрининг бош психотерапевти, СССР Фанлар академияси психологлар жамиятининг аъзоси

«АГАР СИЗ МУЪЖИЗАГА ИШОНСАНГИЗ...» ДАСТУРИДАН ОЛТИТА СЕАНС

Сеанслар кашандалик, ичкиликбозлик, кечаси пешобни тута билмаслик каби нуқсонларни тарк этишга ёрдам беради. Уйқусизлик, ҳар хил асаб қўзғатувчи омиллардан халос этади, оғриқ ҳиссини йўқотиб, соғлом нафас олишни тиклайди. Инсонлар руҳиятини ўзаро ҳамжиҳатликка ва бир-бирларига нисбатан оқибатли бўлишга йўналтиради, қон босимини мувозанатлаштиради.

Жарроҳлик операцияларида гипноз воситасида қандай қилиб оғриқсизлантириш самарасига эришиш мумкинлиги намойиш қилинади, А. Кашпировскийнинг айрим сирлари тушунтириб берилади. Бу томошаларда бўлган кишилар эртаси куни белгиланган вақтда ўз уйида ёки ишхонада туриб гипноз сеансининг «ғойибона» соғломлаштирувчи таъсирини қайтадан ҳис қилишлари мумкин.

Дастур ва саволларга жавоблар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ХУСУСИЙ СЕАНСЛАР ЎТКАЗИЛМАЙДИ.
12 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР СЕАНСЛАРГА ҚЎЙИЛМАЙДИ.

Чипталар сотишдан тушган маблағнинг бир қисми хайрия мақсадлари учун сарфланади. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва «Афғон» инвалидлари (гувоҳномани кўрсатиб) имтиёзли чипта харид қилишлари мумкин.

Сеанслар танаффуссиз давом этади ва 21.00 да тугайди.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар — 44-35-91, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

10 апрелда — СЎҒД ЭЛИНИНГ ҚОПЛОНИ.
11 апрелда — ОҚҚУШ КЎЛИ.
12 апрелда — ИОЛАНТА.
13 апрелда — ТЎМАРИС.
14 апрелда — ЧИО-ЧИО-САН (19.00).
15 апрелда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), ФАУСТ (18.00).
17 апрелда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
18 апрелда — СЕВГИ АФСОНАСИ.
19 апрелда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
20 апрелда — КОРСАР.
21 апрелда — ОТЕЛЛО (18.00).
22 апрелда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), РИГОЛЕТТО (18.00).
24 апрелда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
25 апрелда — ДОН КИХОТ.
26 апрелда — МАСХАРАБОЗЛАР.
27 апрелда — СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН.
28 апрелда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ (19.00).
29 апрелда — ЗОЛУШКА (12.00), ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН (18.00).

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечкилари соат 19.00 да бошланади. Шанба ва якшанба кунлари спектакллар соат 18.00 да бошланади.

Билетлар театр кассаларида соат 10 дан 19.00 гача сотилади. Танаффус соат 15 дан 16.00 гача. 33-91-81 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1990 йил 11 апрель соат 17.00 да институтнинг 422-хонасида

ФИЗИКАДАН ОЛИМПИАДА ЎТКАЗАДИ

Институтнинг қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар; 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар: 91-14-40, 90-05-56.

Корхоналар, ташкилотлар, кооперативларнинг раҳбарлари ва Тошкент шаҳар аҳолиси

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент вилоят комитети ҳузуридаги

ВИЛОЯТ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Электропроводкаларни монтаж ва ремонт қилиш;
рўзғор электр асбоблари ва ускуналарини ўрнатиш;
электр таъминоти ва электр ёритиш рўзғор нуқталарини монтаж қилиш ва ўрнатиш;

автоматика воситалари бўйича ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш;

носоз электр двигателлар ва трансформаторлар симларини янгитдан қайта ўраш ишларини юқори малакали ходимлар амалга ошириб беришади.

Қуйидаги мақонга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-уй. Телефонлар: 33-00-45, 33-01-45.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ, КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ!
«ПАХТАКОР» СТАДИОНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

17 ВА 20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ БЎЛАДИГАН ФУТБОЛ УЧРАШУВИДАН ОЛДИН

Сиз азизларни, бир неча дақиқа бўлсада мириқиб ҳордиқ чиқаришга, яхши кайфият билан севимли «ПАХТАКОР» командамиз ўйинчиларини қўллаб-қувватлаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Биз биринчи бўлиб стадионимизга қўқонлик аскиячилар ва қизиқчилар Йўлдошхон НОСИРОВ, Баҳодир ШОКИРОВ, Мансуржон ОХУНОВ, Мамасиддиқ ШИРАЕВ, Муҳаббатхон ТОШПЎЛАТОВА, Ғиёсиддин АБДУРАҲМОНОВларни таклиф қилишни лозим топдик.

Футбол чиптасига «ЎСАРФИЛЬМ»нинг 50 тийинлик чиптаси қўшиб сотилади.

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Нажот истаб**, 11/IV да **Юлдузли тунлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/IV да **Мушкул савдо**, 11/IV да **Анқовлар чайқови**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да **Найнов ва пакана** (премьера, 19.00 да), 10/IV да **Парвона** (800-марта қўйилиши, 19.00), 11/IV да **Паранжи сирлари** (19.00).

КИНО

9 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).
Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (17, 19, 21.00).
Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (жуфт соатларда).
К. Ерматов номли — «ҚОЧИШ» (18, 20.00).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЎЙНА ЎЙНА» (18.30, 21.00).

10, 11 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).
Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (11, 13, 15, 17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (жуфт соатларда).
К. Ерматов номли — «СЕВИМЛИ РОЖА» (13.30, 16, 21.00); «ҚОЧИШ» (11, 18, 20.00).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

10 апрель соат 9.00 да
ТЕХНИКА УЙИДА

Жумҳурият жамғарма кассаларида сақланаётган ютуқли жамғармаларнинг 95 ва пул-буюм ютуқли жамғармаларнинг 13-тиражи

ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖГА ҲАММА КИРИШИ МУМКИН!
ТИРАЖДА ИШТИРОК ЭТИНГ!
СССР Жамғарма банкларини тўлдиришга ўз ҳиссангизни қўшинг.
СССР Жамғарма банкларининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

10 апрель соат 19.00 да

УЙҒУН асари

«ПАРВОНА»

800-МАРТА ҚЎЙИЛИШИ

(2-пардали драма)

БОШ РОЛЛАРДА: жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар: Обид ЮНУСОВ, Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Билетлар театр кассасида сотилмоқда.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат қилиш учун телефон: 44-56-52.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ» АВТОВОКЗАЛИДАН

«Тошкент — Самарқанд» ва «Тошкент — Андижон» шаҳарлараро қатнайдиган автобус маршрутларига олдиндан

ИККИ ЁҚЛАМА БИЛЕТ

сотиб олишингиз мумкин.

Борадиган манзилингизга ва орқага қайтишга олдиндан билет олиб қўйиб, қимматбаҳо вақтингизни тежашингиз мумкин.

Маълумотлар олиш учун 76-84-52 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилояти автовокзаллар ва йўловчи автостанциялари бирлашмаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 243-МАКТАБДА

25 МАЙДАН БОШЛАБ СОБИР РАҲИМОВ, АКМАЛ ИКРОМОВ, КИРОВ ва СЕРГЕЛИ районлари аҳолиси учун

ЭКСТЕРН

ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИШ ЎТКАЗИЛАДИ

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан қабул қилинади.

Қўнимгоҳимиз: Беруний кўчаси, 369-«а» уй.

28, 34, 47, 31, 87-автобуслар: 8, 20, 4-троллейбуслар, 7, 15, 16-трамвайларда «Юбилей» спорт саройи» бекатигача борилади.

Октябрь ноҳияси озиқ-овқат савдо ташкилоти маъмурияти 32-дўкон мудири И. Комиловга отаси
Ҳикматулла КОМИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 02214.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.